



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН


# НОСТРІГА

• Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2004 йил 19 август, пайшанба • 34 (3562)-сон

“ЎзДЭУавто” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг иш бошлаганига яқинда саккиз йил бўлди. Асака шаҳридаги бу автозаводда шу кунга-ча 300 мингдан ортиқ “Нексия”, “Дамас”, “Тико”, “Матиз”, шунингдек, янги русумдаги “Ласетти” автомашиналари ишлаб чиқарилди. Айни кунларда бу ерда уч ярим мингдан ортиқ киши ишлапти. Қўшма корхонада бир кечакундузда 220 та турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда.



## БУРЧИГА СОДИҚ ЙИГИТЛАР



Эришилаётган ютуқларга Асака шаҳар ИИБ ҳузуридаги автозаводни қўриқлаш бўйича милиция бўлими ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бўлим шахсий таркиби қўшма корхона ҳудудини қўриқлаш, рухсатнома тартибига риоя этиш, жамоат тартибини сақлаш, ташмачиликнинг оддини олиш каби вазифаларни бажаради. Ходимларга хизматни ўташ ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилган. Мавжуд постлар алоқа воситалари, кузатув видеокамералари билан таъминланган.


Заводда ёнгин хавфсизлигига ҳам катта эътибор берилган. Ҳарбийлаштирилган ёнгин ўчириш қисми ходимлари цехлар, омборларда профилактик ишларни яхши йўлга қўйишган. Мавжуд ёнгинга қарши техникалар доимо шай ҳолда.

Суратларда: бўлинма сардори, милиция катта сержантни Х. Турдиев (ўнг томонда) ва ППХ ходими, милиция сержантни Х. Норбоевлар завод ҳудудини назорат қилишмоқда; милиция сержантни С. Отажонов ҳудуддаги вазият ҳақида марказга ахборот беряпти.

Борис КЛЕЙМАН.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Сўрайлик, онам бошида дейдиган ўғилдан,  
синглим кафтида дейдиган акадан,  
юртим кўз қарогимда дейдиган  
фарзанддан берсин.



«Ностра» ғағелашининг ҳуқуқи  
**UZENINCHI OLAM**

HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
BOLAJONLAR SAHIFI,  
MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,  
HAJVIYA, XANDALAR,  
SPORT YANGILIKLARI,  
TINTERNET YARADILADI

УШБУ СОНДА:

ТЕРРОРИЗМ-  
АСР ВАБОСИ

3

ДУНЁ ҲАФТА  
ИЧИДА



4



20

ЭЛ НАЗАРИГА  
ТУШГАН  
АКТЁР



21

КЕЧИКИБ  
СЎРАЛГАН  
УЗР



23

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

# ВАЗИРЛИКДА СЕМИНАР

**Республика ички ишлар вазирлигига "Ўзбекистондаги диний-экстремистик ташкилотларнинг фаолияти ва интилишлари тўғрисида" деб номланган мавзуда семинар бўлиб ўтди.**

Тадбир давомида ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига диний-экстремистик гурӯҳлар ва ташкилотларнинг шахсга, жамиятга ҳамда давлатга солаётган хавф даражаси, шунингдек, хусусиятларини баҳолаш, ана шундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар берилди. Машғулотларда вазирликнинг ЖК ва ТҚҚББ, ЖИЭББ, тергов бош бошқармаси тизимларида фаолият кўрсатаётган ходимлар иштирок этдилар.

Семинарда диний-экстремизмнинг моҳияти, унинг Марказий Осиёга кириб келиш тарихи, foявий манбалари ва мамлакатимизда тар-

қалиш босқичлари, бундай гурухларнинг террорчилик ташкилотларига айланиб, жинон тизимларга қўшилиб кетиш омиллари таҳлил этилди. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасида, фаолият юритувчи диний-экстремистик гурӯҳлар ("Хизбуттахрир" ва бошқалар)нинг стратегик мақсадлари, тактик вазифалари ва иш кўриш усуллари рўй-рост фош этилди. Семинар ташкилотчилари террорчилик ва аксилий-конституциявий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш борасидаги вазифалари мухокама қилиб, қатнашиларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги минтақалараро стратегик тадқиқотлар институтининг лойиҳа раҳбари И. Шукров, Баш прокуратура қошидаги прокуратура ва тергов хизмати ходимларининг малакасини ошириш маркази директори Э. Афзолов, Тошкент Ислом университети тадқиқот маркази илмий котиби Абдурашид Абдуллаев ва илмий ходим Дониёр Муродовлар иштирок этиб, маъруза қилдилар.

Иштирокчиларга "Зиё" студияси томонидан тайёрланган ҳужжатли фильм на мойиш этилди.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Дехқончиликнинг юки оғир. Айниқса, обҳаво инжиқ ва ноқулай келганда пахтакорларнинг ташвишига яна бир ташвиш қўшилиши шубҳасиз. Бу йилги баҳор сели бунга мисол. Шу заҳматларнинг меваси-далалардаги бўлиқ кўсакларни кўриб, кўз қувонади.

# ЭГАЛИК ҲИССИ

Пахтакорларимиз кузда хирмон юксак бўлишини ният қилишган. Бироқ бизни бир нарса ташвишига солади.

Миришкорлар кечаю-кундуз эл ризқини етиштириш пайдиа юрганида кимлардир бўлғуси ҳосилга путур етказишишмоқда. Мисол учун "Ҳазорасп" ширкат ҳўжалигида яшовчи И smoil Ҳудойбергановнинг бир бош қорамоли пайҳон қилгани аниқланди. Гурлан тумани "Саҳтиён" қишлоқ фуқаролар йигини қарорига биноан унинг бир бош қорамоли сўйилиб, гўшти болалар оромгоҳи, боғча тарбияланувчилари ва кам таъминланган оиласаларга тарқатилди.

Худойназар Сайдназаровнинг пахтасида боқиб юрганини қандай тушуниш мумкин?

Гурлан туманидаги "Баҳор-Зулфия" фермер ҳўжалиги раҳбари Баҳор Ражабовнинг пахта экилган 3840 метр квадрат метр майдонини беш бош қорамоли пайҳон қилгани аниқланди. Гурлан тумани "Саҳтиён" қишлоқ фуқаролар йигини қарорига биноан унинг бир бош қорамоли сўйилиб, гўшти болалар оромгоҳи, боғча тарбияланувчилари ва кам таъминланган оиласаларга тарқатилди.

Бизни мулкка эгалик ҳисси ҳали ҳам уйғонмаганини ташвишига солади. Юқорида айтганимиздек, туман ҳокимликларининг қарорлари асосида ерларнинг аксарияти фермерларга бўлиб берилган. Шундай экан, эрта баҳорда не-не умидлар билан ерга уруғ қадаган фермер ҳосилнинг тақдиди билан ҳам қизиқиши керак-ку. Юртбошимиз айтганидек, дехқонлар ҳақиқий мулк эгалари эканликларини яхшироқ ҳисқиладиган вақт келди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,  
ички хизмат майори.

# ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан жорий йилнинг 14-15 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ушбу тадбирда Ички ишлар вазирлигининг шахсий таркиби ҳам уюшқоқлик билан иштирок этди. Вазирлик Баш бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари ходимлари эрта тонгдан бошлаб ўзларига бириктирилган ҳудудларни ободонлаштириш, дарахтларни оқлаш, теварак-атрофдаги ариқларни тозалаш каби ишларни бажаришди.

Ўз мухбиримиз.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИИБ шахсий таркиби ҳам умумхалқ ҳашарини кўтаринки руҳда ўтказди. Шаҳар ва туманлар ИИБларида эрталабданоқ хайрли ишлар бошлаб юборилди. Кўчалар, ариқ-зовурлар тозаланди. Дараҳт ва буталарга шакл берилиб, оқланди. Бинога тулаш кўчалар, ён-атрофлар турли чиқиндилардан тозаланди. Иш хоналари саранжом-саришта қилинди.**

Шу билан бирга ёрдамга муҳтожлар, ёлғизлар, фаррийлар ҳолидан хабар олиниб, уйлари таъмиранди. Хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оиласаларидан хабар олини.

– Ходимларимиз нафақат иш, балки яшаш жойлари, маҳаллаларда ҳам бу эзгу ишни давом эттириб, ҳалқ билан бирга бўлишяпти, – дейди вилоят ИИБ ШТБИХ бўлим бошлиғи, милиция полковники М. Собиров. – Ҳашарда мавқеи, лавозимидан қатъи назар, ҳеч ким четда турмади. Барча баравар меҳнат қилди. Аҳоли билан биргалиқдаги ишларимиз ўзаро ишончни мустаҳкамлашга шубҳа йўқ.

Мустақилларимиз арафасида ўтказилган ҳалқ ҳашарида қатнашган барча ходимлар юрт тинчлиги, эл фарононлиги, Ватан равнақи йўлида амалга оширилган хайрли ишлардан мамнунлик туйдилар.

Ўз мухбиримиз.

Миннатдорчилик

# БОЛАЖОНЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИШДИ

Шу йил 31 июль куни ишга келган боғча ходимлари ҳайратдан ёқа ушлаб қолишиди. Чунки қандайдир виждонсиз, иймонини соттан бир инсон тунда боғчага кириб, бодан ортиқ, чойшаб, кўрпа ва ёстиқ жилдларини ўтираб кетган эди. Тезда профилактика инспектори Марупжон Юсуповга мурожаат қилдик. У шаҳар милиция бўлими ходимларини чақирди. Улар барча чора-тадбирларни кўришди. Орадан бир соатдан ортиқроқ вақт ўттаңда, бизга йўқолган нарсаларимиз топилганини хабар қилишибди. Ўша пайтдаги боғча ходимларини ҳам, жажжи болаларимизнинг ҳам хурсандчиликни таърифлаб беролмайман.

Ўз хизмат вазифасини вижданан бажариб, болаларга шодлик олиб келган, кечаю-кундуз бизнинг осоишиштагимизни ўйлаб тиним билмай ишләёттан Наманган шаҳар ИИБ ходимлари Аброржон Қодиров, Юнусхон Акбаров, профилактика инспектори, милиция капитани Марупжон Юсупов ва барча шахсий таркибга самимий миннатдорчилик билдирамиз. Тинчлигимиз кўриқчилари баҳтимизга соғ ва омон бўлишибин.

Наманган шаҳридаги "Оймома" болалар боғчаси жамоаси номидан

Малика ТУРСУНОВА.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатларига муносабат ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бу борадаги вазифалари тўғрисида Маслаҳат Кенгashi раиси Р. Шоғуломов гапирди.

ларни ўрганиш, уларнинг тўғри ўйни танлашига кўмаклашиб, ҳисобдан чиқариш чораларини кўриш зарурлиги айтиб ўтиди.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгashi раиси Б. Убайдуллаев

биринчи ярим йилликда ҳаракат томонидан қилиниши лозим бўлган ишларга тўхталиб, айрим минтақалarda тадбирлар расмиятчилик учунгина ўтказилаёттанини таъкидлади.

Йигилиш якунида вояга етмаганлар билан тўғридан тўғри ишловчи давлат ва но-давлат идораларининг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтириш, ахборот алмашнувины йўлга қўйиш борасидаги вазифалар хусусида келишиб олини.

Ревмир ХВАН,  
милиция подполковниги.

## Маърифат дарси

**Мустақил Ўзбекистонимиз ўз озодлигини қўлга киритгач, том маънода диний, демакки, маънавий-руҳий эркинликка ҳам йўл очиб берилди. Ҳақиқий диний эркинлик қонун йўли билан кафолатланди. Миллий истиқтол мағфурасида муқаддас Ислом динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик фоялари, динга соглом муносабат масалалари ўз ифодасини топмоқда. Фуқароларимизнинг виждан эркинлиги Бош қомусимиз асосида таъминланди. Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари томонидан икки мингдан зиёд диний ташкилотлар расман рўйхатдан ўтган. Шулардан 91 фоизи Ислом, 8 фоизи христиан, 1 фоизига яқини бошқа динларга мансуб диний ташкилотлардир.**

Ўзбекистонда Ислом дини билан бир қаторда православлар, яхудийлар, баптистлар, адвентистлар, католиклар, баҳоилар сингари бир қанча дин ва мазҳаблар фаолият юритиб келмоқда. Қиёслаш учун шуни айтиш керакки, мустақиллик даврига қадар республикамизда борйғи саксондан ортиқ масжид фаолият кўрсатган. Мусулмонларнинг масжидга қатнаши кўп ҳолатда таъкиб остига олинган. Шу сабабли кўпчилик, айниқса, давлат хизматчилари ўз яқинларининг диний маросимларида иштирок этганиллар учун қатон қилиниб, ишдан четлаштирилгани маълум. Бир сўз билан айтганда, собиқ шўролар тузуми даврида виждан эркинлиги топталган эди.

Ватанимиз озодликка эришгач, виждан эркинлиги таъминланди. Мустақилликдан сўнг 4800дан ортиқ масжид фаолият кўрсата бошлади. Аммо бунинг натижасида лаёқати ва илм дараҷаси паст, олиб борилаётган давлат сиёсатини англаб етмайдиган имом-домлалар пайдо бўлди. Динни ўрганиш борасида, хусусий "хўжра"лар ташкил қилиниб, устозлик савиясида бўлмаганлар дарс бера бошладилар. Бошқа юртларда яшовчи Ислом дини тарғиботчиларининг мамлакатимизга келиб, ўз қарашларига мувофиқ равишда динни тушунтига бошлаши ва баъзи ресмий имом-домлаларни мизнинг эса улар учун ўз минбарларини бўшатиб бериши жуда хунук ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. "Азиз меҳмонлар"-нинг аксари илмизсиз бўлсада, Ислом дини номидан гапириши фитналар келтириб чиқарди.

Албатта, хорижий давлатлардан келган меҳмонлар ўз совға-саломлари билан бирга Ислом динига "ўралган" фояларини ҳам олиб киришган эди. Улар ўз сўзларида мазкур минтақа худудида тарқалган анъанавий ҳанафий мазҳаби таълимотига очиқдан-очиқ қарши фикрлар билдира бошлаши. Натижада мўмин-мусулмонлар орасида динни тушуниш ва' унга амал қилиш борасида ўзаро тортисув-

боряпти. Дунёдаги ўнлаб мамлакатлар бу оғат билан юзма-юз туриб курашмоқда. Биргина "Ал-Қоида" террорчилик ташкилоти, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг осойиштагига хавф солиб туриди.

Ха, бугунги кунда террор миллат, элат ва чегара билмайди. Айниқса, террорчилар ўзларининг ёвуз максадлари йўлида муқаддас Ислом динидан фойдаланишлари энг ачинарли ҳолдир. Кўрқитиш, ҳар хил фитналар ўюштириш орқали жиноятчиларнинг мамлакатимизда муқаддас динимиз номидан гапиришларига аслида мутлақо ҳақлари йўк.

Жорий йилнинг бошларида Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган диний уламоларнинг ҳалқаро анжуманида сўз олган машҳур "Ал-Азҳар" уни-

Ислом уламоси мусулмонларни ўзини-ўзи ўлимга маҳкум қилишига йўл-йўрик кўрсатмаган. Балки ҳар бирлари ушбу ишни қоралаб, атрофдагиларга ибрат бўлиши учун ўзини-ўзи ўлдирига ғанозасини ҳам ўқимаслик, орқасидан дуо-ю фотиҳа ҳам қилмасдан кўмиб юборишликни таъкидлашган. Бу барчамизга аёндир.

Баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари "Ваҳобийлик", "Хизбут таҳрир" каби оқимларга аъзо бўлганлар устидан ўтказилаётган суд жараёнлари, уларга тайинланаётган жазо муддатлари ҳақида гап кетар экан, мусулмонларни судлашяпти, қамашаяпти, деган хабарларни вазиятга чукур ёндошмасдан тарқатишмоқда. Баъзида ушбу оқим ва партияларга аъзо шахслар

гани ҳақида ҳақиқатни ёзишдан ўзларини "тийишмокда".

Албатта, бу оқимлар бошида турган кимсаларнинг мақсади ҳокимият, бойлик, мансабдир. Ёки мавжуд тинчлик, осойишталикни кўролмайдиган кимсаларнинг юртимизда олиб борилаётган сиёсатга ишончсизлик уйғотиш ҳаракатлари деб баҳолаш ҳам мумкин. Ёшлар Исломга хизмат қилаяпман, қамоқда ўтирганим учун Аллоҳдан ажр-савоб оламан деб ўйлашлари ўзларининг зиёнлари эмасми?!

Фикримизча, ушбу бузғунчи оқимлар таъсирига ёшлишимизнинг тушиб қолишиларига асосий сабаблардан бири уларнинг илмисизликларидир. Жазо муассасалардаги маҳкумларнинг аксар қисми ҳам, айтиш мумкинки, етарли диний илмга эга эмас.

Албатта, етарли диний ва дунёвий билими бўлмаган, миясидан дунёвийлик, умуминсоний қадриятлар чиқариб ташланган, уларнинг ўрнига фақат ақидапарастлик фоялари қўйилган инсонлар маънавий қашшоқ "зомби"га айланиб қолади. Улар албатта секин-асталик билан бўлса-да, жамият ҳаётига нотинчлик, бекарорлик келтириб чиқардилар.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, мазҳаблар, турли бузғунчи оқимлар ҳақида очиқ-ойдин гапириш зарур. Баландпарвоз гаплар, умумий равища экстремистларни қоралаш эмас, балки улар нима сабабдан қорала наётгани, қарашларининг нотүғрилиги ва асоссизлигини рўй-рост очиб ташлаш керак. Жамиятимиз аъзоларини миллий формиз билан бирга соғ динимиз таълимотларидан ҳам хабардор қилишимиз даркор.

Ҳақиқатан фоялари ва айтиётган муддаолари тўғри бўлганда, ўз далил ҳужжатларини кўрсатиб, ошкора мунозара қилишлари лозим эмасми? Уларни яширинча фаолият олиб боришлари, варақалар тарқатишлари, ёшларни алдаб, қасам ичиришлари ва тутган йўлларининг бутун дунё бўйича ҳеч бир Ислом уламолари тан олмагани, қаерга борсалар ўша ерда қувғин остида бўлишлари ҳам бузғунчи эканликларига ишорат-ку!

Ҳа, қалбида иймони бор ҳар бир жамиятимиз аъзоси бундай бузғунчи оқимлардан динни Исломимизни ҳимоя қилиши керак.

**Келинглар, хушёрлик ва ҳамжиҳатликка доимо риоя қилиб, Юрбошимиз атрофида жипслашган ҳолда бир ёқадан бош чиқариб фаровон ҳаёт, буюк келажак куришга интилайлик! Соғ ва муқаддас Ислом динимизни турли бузғунчи оқим ва гурухлардан ҳимоя қилайлик!**

**Абдуманнон КАРИМОВ,**  
исломшунос.

# ТЕРРОРИЗМ АСР ВАБОСИ

кинчи томондан, ҳалқимизнинг ҳам етарли диний илми йўклиги туфайли диндорлар орасида Ислом дини ақидаларига турлича ёндошувларнинг пайдо бўлиши ва ақидапараст гурухларнинг ташкил топишига катта йўл очилди. Булар аста-секин томир отди. Ушбу оқимларнинг террорчилик ва ақидапарастлик кайфияти ҳалқимизнинг миллий тикланиш жараёнларига салбий таъсир кўрсата бошлади.

"Террор" атамаси француз тилида маъно ва мазмун жиҳатдан одамларни қирғин қилиш, мухолифларни ўлдириш каби бир қанча файри инсоний ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан жамиядта кўркув ва парокандаликни юзага келтиришни англатса, сиёсий атама сифатида қурол сотиш, наркобизнесни ривожлантириш, конституциявий тузумни ағдариш ва бошқа тубан мақсадларга эришиш учун турли жиноий йўллардан фойдаланадиган жиноий гурухларнинг "дастур"и бўлиб хизмат қиласи. У ҳеч қаён эзгуликка қаратилмаган, асинча, ҳар доим диний ва инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятларга қарши содир этилган энг оғир ва ваҳшиёна жиноят ҳисобланади. Шу боис, унинг тарихи қон билан ёзилган.

Бугунги кунимизда терроризм ўзининг янгидан-янги шаклларини намоён этмоқда. Шу билан бирга у ҳалқаро миқёсда фаолият олиб

верситети шайхи Мұхаммад Сайид Тантовий, ёшларни ўзини-ўзи ўлдириш, яъни портлатиш йўли билан террорчилик ҳаракатлар қилишлари, бунга йўллаётган оқим ва гурухларни Ислом душманларири, деб баён қилди.

Ҳақиқатан ҳам динимиз ўзини-ўзи ўлдиришни қатъий ман қилган. Муқаддас Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда киши жонига суниқасд қилиш бутун дунё аҳолисини ўлдириш билан тенглаштирилган.

Қуръонда (Нисо сураси 93-ояти) "Кимки қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. У Аллоҳнинг ғазаби ва лънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг улуғ азобини тайёрлаб қўйгандир", дейилган.

Бинобарин, инсон азиз зот. Унга жонни Аллоҳ инъом қилган ва бу жонни фақат ва фақат унинг ўзи олишга ҳақлидир.

Баҳор ойларидаги юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлардан сўнг айтиш мумкини, "Хизбут таҳрир" ўзининг ҳақиқий башарасини очди. Муборак ҳадиси шарифда "Ким бир мусулмонни ўлдиришига бир оғиз сўз билан бўлса ҳам ёрдам берса, қиёмат куни пешонасига: "Аллоҳнинг раҳматидан ноумид" деган ёзув битилади" дейилади.

Ислом дини пайдо бўлганидан бўён ўтган асрлар давомида ҳеч бир забардаст


ададидан келиб чиқсан ҳолда мана, шунча мусулмонлар қамоқхоналарда ётибди, деб жар солишиади. Демак, имонини, динини сотиб, ўз Ватанига қарши чиқкан оқим аъзолари мусулмонлар-у, қамоқхоналардаги бошқа жиноятлари учун жазо муддатларини ўтаётган ўзбек фарзандлари мусулмонлар эмасми! Зоро, ушбу ўзбек фарзандлари оқимларга аъзо бўлмасалар ҳам, ўзларини мусулмон ҳисоблайдилар. Қолаверса, фуқаро мусулмон бўлгани учун эмас, балки у томондан жиноят содир этгани учунгина жазога маҳкум этилган.

Террорчилар юртимизда ўюштирган бир қатор қонли ҳаракатлар натижасида қанчадан-қанча жамиятимиз аъзолари бевақт ҳаётдан кўз юммади, дейсиз? Норасида гўдакларнинг ўксисб қолган қалблари, ёш келинчакларнинг кўзларидан оқсан ёшлар кимнинг раҳмини келтирмайди. Фарзандини емай-едириб, киймай-кийдириб, қанча машақатлар чекиб вояга етказган, эл-юрт хизмати учун оқ фотиҳа берган ота-оналар бугун фарёд уриб, бир уом тупроқга термулиб туршилари кимларни келарзага солмайди дейсиз?

Ваҳоланки, жаҳондаги баъзи оммавий ахборот воситалари бу бузғунчи оқимлар тарафдорларининг жамият ҳаётига солаётган хавфи, қанчадан-қанча оиласларнинг пароканда қилаёт-

Мамлакат пойтахти -  
нинг Ал-Рашид даҳа-  
сида кучли портлаш  
юз берди. Бунинг  
окибатида ёнма-ён  
турган бешта автома-  
шина заарланган.

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



## ИРОҚДА ЯНА ҚУРБОНЛАР

Ушбу террорчилик ҳаракати натижасида курбон бўлган ва яраланганлар сони ҳақида ҳар хил маълумотлар берилгани. Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг ахборот беришича, тўрт киши ҳалок бўлган, 24 киши жароҳат олган. "Ал-Жазира" телеканали эса кучли портлаш чоғида 9 киши ўлган, 20 киши жароҳат олди, деб ҳабар тарқатди. Sky News канали эса миномётдан ўқса тушиш чоғида етти киши ҳалок бўлгани, 42 киши яралангани, улардан 30 нафари тезда касалхонага ётқизилганини маълум қилган. Жабрланганлар орасида икки нафар бола ҳам бор.



## АВТОҲАЛОКАТЛАРГА КИМ АЙБДОР?

Ўтган якшанба куни кечкурун Свердловск вилоятида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олти киши хаётдан бевақт кўз юмди. Екатеринбург-Пермь йўлида "ВАЗ-21099" ва "ВАЗ-2107" русумли автомашиналар қарама-карши тўмондан келиб қолади. Тўқнашувдан кейин "ВАЗ-2107" четга сурилиб бориб, ён томонда бораётган "ГАЗ-3110" русумли автомашинага урилади. Кучли зарбадан машиналардаги йўловчилар ва ҳар иккала "Жигули" ҳайдовчиси ҳалок бўлди.



автомашинасининг ҳайдовчиси тезликни ошириб, рулни бошқара олмай қолганлиги айтилмоқда. Татаристон Президенти Минтемир Шаймиев жабрланганларнинг оиласирига ҳамдардлик билдири.

## ПОКИСТОН ТЕРРОРЧИЛАРДАН ЖАБРЛАНМОҚДА



Ўтган тунда Покистонда бир қатор йирик террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Исломободнинг жануби-шарқидан 250 чақирим нарида юз берган кучли портлашдан газопровод ишдан чиқсан. Натижада газ етказиб бериш тўхтилиганди. Маълумотларга қараганда, террорчилар соат механизми билан ишлайдиган минадан фойдаланишган. Шу тунда Покистоннинг жанубида жойлашган Синдҳ вилоятидаги темир йўлда иккита бомба портлади. Ўн дақиқа орасида рўй берган террорчилик ҳаракатида икки нафар полицияни ва бир журналист яраланди. Темир йўл жиддий шикастланган.


## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Шимолий Корея Жанубий Кореяга қарши террорчилик ҳужумини тайёрлайти. Бу ҳақда Жанубий Корея Миллий разведка хизмати вакилларининг йигилишида таъкидлаб ўтилди. Улар Хитой ва Жануби-шарқий Осиёнинг бошқа давлатларида яшаётган корейсларни эҳтиёт бўлишга чақиришиди.

Покистон махсус хизмати вакилининг журналистларга маълум қилишича, кейинги вақтда Вашингтон покистонлик иттифоқчиларига нисбатан ўз таъсирини кучайтирияпти. АҚШ раҳбарияти президентлик сайловигача терроризмнинг таникли кишисини кўлга туширишни хоҳляяпти. "АҚШнинг Покистонга нисбатан бундай йўл тутиши, - деди вакил, - Усама бин Лоденни ушлашдир."

Чеченистон махсус хукумати вакиллари 2003 йил 9 декабрда Москвадаги "Националь" меҳмонхонаси олдида рўй берган террорчилик ҳаракатларининг расман очилганини эълон қилдилар. Маълум бўлишича, террорчи аёллардан бирининг шахсини аниқлашга муваффақ бўлишган. 26 ёшли Хадича Магомадованинг суратини ота-онаси танигани ҳақида махсус хизмат ходимлари хабар беришиди.

Агар Нидерландия ва Италия давлатлари ўз кўшинларини Ироқдан тезда олиб чиқиб кетиши мас экан, террорчилар хавфига учрашлари мумкин. Зоро, террорчилар ҳар икки мамлакат хукуматларига таҳдид солишяпти. "Биз Ироқка кўшин юборган барча Европа мамлакатларини ларзага келтиришга тайёрмиз ва кулагай фурсат кутяпмиз", дейилади "Ислом бирлиги" гурухининг мурожаатида.



Грузия ҳарбийлари ва Жанубий Осетиядаги ҳарбий тузилма ўртасида қарама-қаршилик кечайтган зонада қандайдир "учинчи куч" борлиги аниқланди. У ҳар икки томон ўт очишини тўхтатиши ҳақидаги келишув шартларини бажаришга ҳалақит беряпти ва томонларни яна отишмага чорлаяпти, деган холосага келди.

Ўтган тунда Осетиянинг Сарабук ва Писи қишлоқларида отишмалар бўлган. Табиийки Грузия буни жавобсиз қолдирмаган. Дастрлабки маълумотларда Грузия томонидан бир ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, икки нафари эса яраланган. Аввалига томонлар бир-бирини айблашган, кейин умумий холосага келишган. Грузинлар ҳам, осетинлар ҳам "учинчи куч"ни топиб, ўқ қилишга қодир эканликларини айтишмоқда.

## АЗИЯТ УСТИГА АЗИЯТ

Маълумки, ўтган шанба куни АҚШнинг Флорида штатида соатига 233 километр тезлиқда шамол бўлиб, 20 мингдан ортиқ уйлар вайрон бўлган, минглаб кишилар бошпанасиз қолганди. Бу табиий оғат туфайли 5 млрд АҚШ долларидан кўп зарар кўрилди. Полиция ҳозирда уй, банк, дўконларни кучли назорат остига олишга мажбур бўлмоқда.

Чунки вайрон гарчилардан айрим фуқаролар безбетларча фойдаланиб қолишга уринишмоқда. Улар ҳаробага айланган бинолардан кўлга илинган буюмларни талаб кетишияпти. Бу борада азият чекканлар томонидан полицияга мурожаат кўпайиб кетган.



Харакат хавфсизлиги ва болалар

# БИР МАҚСАДНИ КҮЗЛАБ

Езги мавсум давомида болалар оромгохлари, шаҳар ва туман истироҳат боғларида ўқувчилар иштирокида йўл харакати хавфсизлигини таъминлашга бағишилаб ўтказилган тадбирлар ўз самарасини беряпти. Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари республика бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча камайишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХБнинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари билан республика Халқ таълими вазирлиги бошқармалари ҳамкорлигига мунтазам ташкил қилинаётган "Яшил чироқ" тадбири болаларнинг йўл харакати қоидаларидан сабоқ олишларида мухим рол ўйнайти. Яқинда Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридан Академик лицейда йўл харакати назоратчиликарининг республика слёти бўлиб ўтди. Бу тадбир мамлакатимиздаги ўрта умумтаълим мактабларида "Йўл харакати қоидалари" қай даражада ўқитилаётганини, билимлар сифати, амалдаги қоидаларга муносабатларини кенгроқ билиш имконини берди.

Йўл харакати назоратчиларининг республика слёти мусобақаларида Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент



шаҳри ва барча вилоятлардаги ўрта мактаблардан "Яшил чироқ" телевизион танловининг вилоят босқичи голиб жамоалари иштирок этдилар. Улар йўлларда ҳаракатланиш бўйича имтиҳондан ўтиш, "Хавфсиз фидирек", "Ёш пиёда" баҳслари, ҳаракатни тартибга солувчи, радиотўлқинлар орқали бошқариладиган транспорт воситалари ҳаракати, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини тартиб қилувчи деворий газета ва макетлар тайёрлаш бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Гап шундаки, болаларнинг бу мусобақага ниҳоятда катта тайёргарлик

кўришгани слёт бошланишидаёқ сезилиб турди.

Ҳакамлар ҳайъати Сирдарё вилояти жамоасига олий ўрин берилганлигини эълон қилди. Бир хил очко жамғарган Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қорақалпогистон Республикаси, Навоий, Жizzах вилоятлари ва Тошкент шаҳри жамоаларига иккинчи, Қашқадарё, Сурхондарё, Андикон, Наманган, Тошкент вилоятлари жамоаларига эса учинчи ўрин берилди. Голибларга республика Халқ таълими ва Ички ишлар вазирликлари, Қизил Ярим Ой жамияти, "Софлом авлод учун" ҳайрия жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимо-

ий ҳаракати, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси томонидан ажратилган эсадалик соввалари топширилди.

Ёш йўл ҳаракати назоратчилари республика слёти мамлакатимиз болалари ҳаётидаги ёдда қоладиган навбатдаги тадбирлардан бири бўлди, десак муболага эмас. Ҳадемай янги ўқув йили бошланниб кетади. Шубҳасиз, барча шаҳару туманлар, вилоятлардаги мактабларда кизғин ҳозирлик кўрилаяпти. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Республика йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг ўрта мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида "Йўл ҳаракати қоидалари"ни ўқитиш сифатини ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, йўллар, кўчалар ва чорраҳаларда қатновчи болалар хавфсизлигини таъминлашга бағишилаб қабул қилган қарори ижроси юзасидан қатор чоралар кўрилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳар доимидек бу йил ҳам республикамизда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан 2-12 сентябрь кунлари "Диккат, болалар!" тадбирини ўтказиш белгиланган. Ана шу тадбирида болалар ҳаракатини доимий кузатиб бориш учун махсус ҳудудий ЙХХБ лари гуруҳлари тузилиши ҳамда уларнинг масъулияти оширилиши, мактабларни "Йўл ҳаракати қоидалари"ни ўқитиш юзасидан керакли адабиётлар ҳамда кўргазмали куроллар билан таъминлаш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Демак, унинг ижросини таъминлаш нафақат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир жамоа, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ота-оналар ва ўқитувчи-мураббийларнинг муқаддас вазифасига айланмоғи керак.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**  
республика ИИВ ЙХХБ бўлим бошлиги,  
милиция подполковники.

## Хизматларда

## ВАЗИФАМИЗ – ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

**Бугунги кунда ППХ батальони шахсий таркиби Наманган шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, тунги назорат ишларини кучайтириш борасида бир қатор ишларни олиб бормоқда. Улар иштирокида жорий йилнинг ўтган даврида 150 дан ортиқ жиноят фош этилди. Шулардан 40 таси "иссиқ изида" очилишига эришилди.**

Жумладан, шу йил 15 январи куни Наманган шаҳри "Чорсу" деҳқон бозори ҳудудида ўз хизмат вазифасини бажараётган патруль-пост хизмати ходимлари, милиция капитани О. Қирғизов ва милиция сержантни О. Оппоқхўжаевлар Уйчи туманида яшовчи, 23 ёшли А. Бахтиёри қиймати 24 минг сўм бўлган қалбаки пулларга маҳсулот олмоқчи бўлган пайтида қўлга олдилар. Худди шу куни мазкур жиноята алоқадор яна 8 та киши аниқланди. Жиноятчиларнинг уйидай қалбаки пул ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилган компьютер, ранг-лазер принтери, қозоз ва кўп миқдорда қалбаки пуллар далилий ашё сифатида олинди.

Шу йил 2 май куни патруль-пост хизмати навбатчилик қисмига Наманган шаҳридаги кичик туманларнинг биридаги хонадонда талончилик ҳаракати содир этилаётгани ҳақида хабар келди. Тезкор алоқа воситаси орқали маълумот олган ППХ батальони 1-отряд командирининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Н. Тургунов бошчилигидаги гурӯҳ зудлик билан воқеа жойига етиб келди. Жиноят содир этилган кўп қаватли уй атрофидаги ҳар бир пана жой ва ертўлалар синчковлик билан кўздан кечирилди. Натижада талончиликда иштирок этган, ўта оғир жинояти учун қидирудва бўлган 25 ёшли Х. Мухтор қўлга олинди.

ППХ батальони шахсий

таркиби вилоят миқёсида осойишталикни таъминлаш мақсадида ўтказилаётган "Тозалаш", "Арсенал", "Паспорт-виза", "Орият", "Қорадори" сингари профилактик тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, вилоят ЙХХБ ходимлари билан ҳамкорликда "Ангор" ҳамда "Норин" ЙПХ масканларида ҳаракат хавфсизлиги, осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда фидойилик кўрсатяпти. Бунда отряд командири, милиция капитани М. Раҳмонов, 1-отряд командири, милиция майори Г. Эгамбердиев, бўлинма командири, милиция старшинаси С. Тўраев, патруль-пост хизмати милиционерлари, милиция сержантлари О. Оппоқхўжаев, Л. Деҳқонов, Ш. Ҳусанов, И. Жалолов ва милиция кичик сержантни Гулнора Болтабоева сингари ходимларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти патруль-пост хизматини янада таъминлаштиришга қаратилган ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан

бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Яқинда 4 қаватли хизмат биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий жиҳозлар, ўкув қўлланмалари, махсус адабиётлар билан таъминланиб ҳодимлар ўз билимини ошириб боришга имконият яратилди. Меҳмонхона шаклидаги ётоқхона, ўкув хоналари, душ, сауна, спорт заллари, ошхона улар хизматида. Гулзор куршовидаги батальон ҳудудида, фаввора, чўмиллиш ҳавфзаси, спорт майдончалари, саф майдони мавжуд. Куни кеча фойдаланишга топширилган автосаройда қишики ва ёзги мавсумга мослаштирилган автомобиллар турар жойлари, бўлиб, уларни ювиш, созлаш мумкин. Қолаверса, 17 та янти "Матиз" автомобили берилгани, хизматта чиқаётган ҳодимларнинг алоқа воситалари билан таъминланиши эвазига соҳада ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Бир қанча ҳодимлар ўз малакасини ошириш мақсадида республика ИИВ Академиясида сиртдан ўқишишадар.

Бир сўз билан айтганда, ППХ батальони ҳодимлари Ватан равнақига ўзларининг шарафли хизматлари билан ҳисса қўшиб, бор куч-имкониятларини ишга солмоқдалар.

**Изатилло ХОЛҚЎЗИЕВ,**  
милиция подполковники.

## КУЛФАТГА ОШНО БЎЛИБ

Қашқадарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб бормоқдалар. Жорий йилнинг ўтган даврида гиёҳвандликка оид 190 та ҳолат аникланиб, фуқаролардан 53 килограмм 437 грамм оғу олинди.

Масалан, Нишон тумани ички ишлар бўлими ходимлари тезкор тадбир ўтказаётеб, "Шаҳзодбек-Б" фермер хўжалиги раиси Худойкул Б.нинг дала ҳовлиси омборхонасида куритиб, сакланётган 9 килограмм 900 грамм мариҳуана моддасини топиши. Унинг хонадони тинтуб қилингандан яна 510 грамм гиёҳвандлик моддаси яшириб кўйилгани аникланди.

– Фермернинг 12,5 гектар ери бўлиб, унинг 6 гектарига фалла экилган, – дейди туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, милиция капитани И. Исаев. – Йиллик режа бўйича хўжаликка 11 тонна ўрнига бор-йўғи 6 тонна буғдой топширган. Пахта ниҳоллари ҳам ўсишдан қолган. Фермер инсонга кулфат улашувчи ўсимликларни ўстириш ўрнига даладаги экинларга ишлов берганда фалладан мўл ҳосил олган бўларди...

**У. ҲАЙДАРОВ**

## «Тозалаш»

# ТАДБИР ЎЗ НОМИНИ ОҚЛАМОҚДА

Тошкент вилояти ИИБ томонидан кенг қамровли “Тозалаш” тадбири ўтказилаётганига кўп бўлгани йўқ. Бу борада Чиноз туманида эришилаётган натижалар салмокли бўляпти. Тадбирга хукуқни муҳофаза килиш идоралари ходимлари билан биргаликда маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик жалб этилган. Туман ҳудуди учга бўлинib, уларнинг барчасига масъул кишилар бириктирилгач, кечак-ю кундуз давомида хизмат олиб бориш йўлга кўйилди. Хизматнинг айнан шундай ташкил этилгани жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва қоидабузарликларни аниклашда ўз самарасини беряпти. Тадбирнинг дастлабки икки кунида ёк 5000 тага яқин хонадон текширилди. Паспорт тартиботи қоидаларига амал қилмай яшаётган 28 шахснинг икки нафари маъмурин жавобгарликка тортилди. Профилактик ҳисобда турган 55 киши билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

— Бундай тадбирларнинг ўтказилишидан манфаатдормиз, — дейди “Янги Чиноз” кўргони маҳалла посбонлари сардори А. Хусанов — чунончи, кўплаб қоидабузарликларнинг олди олинибгина қолмай, ҳар бир маҳалла хонадонлардаги осойишталик таъминланди.

— Фуқаролар ўтказилаётган ҳар бир тадбирни қўллаб-қувватлашёйтгани кувончли ҳолдир — деди туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция капитани Турғунбой Аб-

дуганиев. — Кўплаб хукуқбузарликлар бевосита оддий фуқароларимиз кўмагида аниқланмоқда. Масалан, юздан ортиқ киши ноқонуний яшаётгани ёки узок муддатта номаълум жойларга кетиб қолгани шу тариқа маълум бўлди.

Яна бир томони, кўлга киритилётган ютуклар тумандаги 97 маҳаллада ходимларимиз томонидан “Огоҳлик — давр талаби”, “Ўз уйингни ўзинг асрар!” каби мавзуларда ўтказилган сұхбатнинг мөвасидир.



Фуқароларнинг хукуқий билимларини оширишда “Олмазор” кўргони профилактика инспектори, милиция лейтенанти Акром Жуманов, “Эски Тошкент” кўргони профилактика инспектори, милиция майори Ҳамид Қодировларнинг олиб бораётган ишлари мактovга лойик. Бу жойларда жиноятларнинг очилиши ҳам юкори. Профилактика инспекторлари 25 та жиноятни очишида бевосита қатнашганларини таъкидлаш лозим. Тадбирнинг иккинчи куни “Янги Чиноз” кўргони профилактика инспектори, милиция катта

лейтенанти Жасур Худойбердиев, туман ИИБ ЖК ва УЖККБ тезкор вакили, милиция капитани Алишер Тешабоевлар оғир жиноятлари учун кидирудва юрган Т. Юрийни кўрдилар.

Ха, “Тозалаш” тадбири ўз номини оқламоқда. Унда майдабезорилик, ташмачилик, кўшмачилик, фохишилик қўлган юздан ортиқ шахсларга маъмурин чоралар кўрилди. Бундан ташқари, бир неча та ичкиликбоз ва гиёхвандлар мажбурий даволанишга юборилди. Ноқонунинг равишда электр энергияси, газдан фойдаланаётган хонадон эгаларижа жарима солинди.

Маълумки, туман кўшни Қозогистон Республикаси билан чегарадош. Бу эса айрим нопок кимсаларнинг мўмай даромад топшига кўл келади. Чегара бўйлаб сайёр гурухлар ташкил этилишига қарамай, тикин бойлик кетидан кувганлар айланма йўллардан фойдаланишга уринишмоқда. Ана шундайлардан бири — Дилбар

99 кути сигарет ва 180 дона ароқни туман ҳудудига олиб кираётгандада ушланди. Чегара ҳудудларида хизмат кечаю кундуз ташкил этилгани боис республикаизга ноқонуний, сифатсиз, аҳоли саломатлигига зарар етказувчи маҳсулотларнинг олиб кирилишига деярли тўсик кўйилган.

Тадбирнинг босқичма-босқич ўтказилиш биргина Чиноз тумани эмас юртимиз тинчлиги, осойиштагини таъминлашдан ҳам мухимдир.

**Мұҳаббат ИБРАГИМОВА.**  
Суратда: тадбирдан лавҳа.

## Хизматларда

## ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

“Фалокат оёқ остида”, “Сафарингиз бехатар бўлсин” деб бекорга айтишмайди. Йўл, сафар ҳамиша хавф-хатар билан боғлиқ. Маълумотларга қараганда, бевақт ҳалок бўлганларнинг энг кўп қисми табиий оғатлар, урушлар эмас, балки йўл-транспорт ҳодисалари ҳиссасига тўғри келар экан.

Навоий вилотида ўтган йили шу давргача йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 20 киши ҳаётдан кўз юмган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич биттага камайди. Ўтган давр ичидаги автомобиллар, аҳоли сони ошганини ҳисобга олсан, ижобий натижага эришилган дейиш мумкин. Аммо 19 кишининг баҳтсиз ходиса туфайли бевақт ҳалок бўлиши ҳали қоидабузар хайдовчилару пиёдалар учраб турганини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида отряди ходимлари ўтган йили шу давргача 107 мингдан зиёд йўл ҳаракати қоидабузарликларни аниклаган бўлсалар, бу йил мазкур кўрсаткич 112 мингдан ошди. Бу яхшими ёки ёмонми? Ҳар ҳолда ушбу

рақамлар ЙПХ ходимлари самарали ишлаганидан далолат беради. Чунки одатда содир этилган қоидабузарликлар ҳамиша қайд қилинганидан зиёд бўлади. Улар қанча кўп аниқланса, профилактика аҳамияти шунча ошади. Яъни, ҳайдовчилар ҳам, пиёдалар ҳам ҳуշёр тортишади. Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида аниқланган йўл ҳаракати қоидабузарликлари сони ошгани билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари, улар натижасида ўлганлар, тан жароҳати олганлар камайгани ҳам фикримизнинг исботиди.

Вилоят ЙПХ ходимлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида тинмай изланяптилар, қатор амалий ишларни бажаришапти.

Патруль автомобиллари шу пайтгача 200 дан зиёд автоколонналар кузатувини ҳеч бир хавф-хатарсиз амалга оширишди. Булар ичидаги хорижий давлатлардан келган делегациялар, ёзги оромгоҳларга бораётган ўқувчилар, қишлоқ ҳўжалиги ишларига жалб этилган ҳашарчилар бор.

Хизмат самарали бўлишига эришишда мунтазам ЙПХ масканларининг роли каттадир. Буни биргина “Самарқанд” ЙПХ маскани фаолияти мисолида таҳлил қилиб кўрайлик. Ушбу маскан ходимлари ўтган давр мобайнида 156824 та транспорт воситасини текширудан ўтказдилар, 5450 дан ортиқ йўл ҳаракати қоидабузарликларни аниқланган йўл ҳаракати қоидабузарликларни аниқланади. Шундан 3786 таси кўпол қоидабузарликнинг ташкил этди. Транспорт воситасини маст ҳолатда башқарган 62 нафар ҳайдовчига нисбатан тегишли чора кўрилди. Вилоят бўйича эса 500га яқин ҳайдовчи ана шундай хатти-ҳаракати учун машина бошқаришдан четлатилди.

**Валижон АШУРОВ,**  
милиция капитани

## Навбатчилик қисми хабарлари

## РАШК БАЛОСИ

Ҳа, бу кусур ўт балосидан ҳам, сув балосидан ҳам ёмон. Эркак рашк туфайли кучли руҳий ҳаяжонга тушади, ўзини бошқара олмай кўлига тиф олиши мумкин. Наманган вилояти Норин тумани Тўлқин маҳалласидаги хона-донларнинг бирида ана шундай фожиа рўй берди. Уй эгаси Р. Абдурасул рашк оқибатида хотини Азизанинг бўйнига болта билан уриб ўлди. Қотил милиция ходимлари томонидан ушланди.

## ҚУЛФБУЗАР ҲИБСДА

Тошкент шаҳри Сирғали тумани 8-даҳада яшовчи тадбиркор Ойжамол Бобохонова уйига келса эшикнинг кулфи бузиб очилган. Кўнглига гулгула тушиб шоша ичкарига кирди Ѹанг-манг бўлиб қолди. Кимdir 270.000 сўмлик газ пли-таси, қимматбаҳо “Хин-Бао” аудиомагнитофони, 11 ўрам газлама ва бошқа буюмларни ўмарид кетган эди. Хонадон бекаси дарҳол милицияга хабар берди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Сирғали туманинаги Здаҳада истиқомат қилувчи, ишламайдиган Б. Азиз содир этганликда гумонланиб, кўлга олинди.

## ЎҒРИ... ЎЗИННИГ ЭРИ

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Айниқса, эр-хотин ўртасида турли хил кечинмалар, келишмовчиликлар келиб чиқиши табиий. Аммо ҳозир келтириладиган воқеа камдан-кам учраса керак. Пойтахтнинг Ҳамза туманинг Феруза Маилова Кунаев кўчасидаги ўйлар орасидаги майдончада “Нексия” русумли автомобилини қолдириб кетган эди. Қайтиб келса у кўйган жойида йўқ. Машина ўғирланганини сезиб ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Олиб борилган суриштирувлар натижасида автомобиль техник соз ҳолда топилди. Ўғри эса... ўзининг эри М. Фахриддин бўлиб чиқди.

## ИШЧИ НОМИГА ДОҒ ЭМАСМИ?

Одатда бирор меҳнат жамоасида ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор то-паётган инсонлар ҳақида илик сўзларни эшитамиз. Аммо орамизда ишчи деган мўътабар номга доғ тушираётган қишилар ҳам учраб турибди. Андижон вилояти Кўргонтепа тумани «Савай» ширкат ҳўжалиги ишчилари Ж. Илҳом ва И. Икромнинг биргаликдаги қилмиси бунга яққол мисол бўла олади. Улар 575 гр. марихуанани 200 АҚШ долларига сотишаётганда шу яқин ўртада тадбир ўтказаётган милиция ходимлари томонидан қўлга олиндилар.


## НОГИРОННИ

## ЖАБРЛАГАН НОБАКОР

Ногирон, бокувчисини йўқотган ва ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаб туриш лозимлиги ҳақида кўп гапирилаётган. Бу айниқса, Мехр ва мурувват йилида авж олди. Шунга қарамай айрим кимсалар ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ушбу қадрияни менси маётганини кишини лол қолдиради. Ко-рақалпогистон Республикаси Нукус шаҳрида 2-гурух ногирони Бекмурод Жаксыбоев йўлда келаётган эди кимдир қўлидаги сумкани тортиб олиб қочиб кетди. Сумканинг ичидаги 100.000 сўм пул бор эди. Милиция ходимлари бир бечора фуқарони жабрлаган талончини тез орада йўқа чиқарши мумкин. Буни навоийлик ЙПХ ходимлари яхши билишади.

**Валижон АШУРОВ,**  
милиция капитани

«Мостда» gazetasining ilovasi



HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
BOLAJONLAR SAHIFASI,  
MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,  
HAJVIYA, XANDALAR,  
SPORT YANGILIKLARI,  
INTERNET XABARLARI.

# УЧИНЧИНСИ ОЛАМ



**Жузеппа Бальзамо (1743-1795) машхур итальян фирибари эди. У ҳаёти давомида бутун Европани кезиб чиқди. Жодугарлик, алкимё, табобат билан шугулланди. Қадимги Миср масонлари жамиятининг асосчиси сифатида фаолият кўрсатди. Ўзининг юрти Францияда мархумларнинг руҳи билан мулоқот килиш бўйича сеанслар ўтказди. 1780 йилда Петербургга ҳам ташриф буюрди. Аммо бир жанжалли воқеага аралашиб қолгач, шошилинч тарзда Россия пойтахтини тарк этди. XVIII асрнинг 80-йиллари охирларида масонлар таъкиб килиниши муносабати билан хибсга олинди ва авахтада вафот этди. У умри давомида Тискио, Мелина, маркиз де Пеллегрини, Бельмонте ва бошқа номлар билан танилган эди.**

# КАЛИОСТРО ҲАҚИДА АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Бальзамо Италияning Жанубий қирғоқлари яқинидаги жойлашган Сицилия оролининг маъмурӣ маркази бўлган Палермо шаҳрида дунёга келди. Ота-онаси художай кишилар бўлиб, мунтазам черковга бориб ибодат қилишар, газмол савдоси билан шугулланти, рўзгор тебратишарди.

Улар ўғилларига яхши маълумот беришга ҳаракат қилишди. Жузеппа болалигидан ўзининг қобилиятли, қизиқишлири кенг эканини намоён этди. 1752 йили у Палермодаги Авлиё Рокк семинариясига ўқишига кирди. Аммо кўп ўтмай зерикарли дарслар жонига тегиб қочиб кетди. Орадан бир ҳафта ҳам ўтмай кочоқни тутиб олиб, Картапеирон яқинидаги Авлиё Бенедикт роҳибонасига камашди.

Ўзланинг ботаникага қаттиқ қизиқишини ҳисобга олиб, уни дорихоначи роҳибга бириктириб қўйиши. Шу ердаги тажрибахонада Жузеппа ўзининг ilk тажрибаларини ўтказди. Калиостро айнан шу дорихоначасидан кимё ва табобат алифбосини ўрганди.

Болакай роҳибонада ҳам тартибли бўлиб қолмади. У одобсиз қиликларини ташламади. Масалан, кечки овқат пайтида азиз авлиёларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоятларни ўқиши керак эди. Шумтака кўпинча улуғ зотларнинг ўрнига машхур ўғрилар, қароқиличар ёки енгилтак аёлларнинг исмларини қўйиб ўқириди. Аммо кўп ўтмай бу "машгул" ҳам жонига тегиб, яна қочиб кетди.

Дунёнинг ишлари қизиқ. Кимдир ўз ҳаётини хавф остига кўйиб, нотаниш кишини ўлимдан куткариб қолади, яна кимдир тўғри одамни йўлдан уриб, жиноят йўлига бошлади. Аброр автомобилларни ювиш жойида ишлар, ўғриликка қўл урганда 17 ўшга ҳам тўлмаган эди. "Автомойка"нинг ёнида янги машиналар сақланадиган база бўлиб, Аброр шу корхона омборига ўз велосипедини қўярди. Коровул унга рухсат берган. Ҳатто велосипеди зарур бўлиб колса, калитни ҳам бериб турарди. Даствлабки кезлар ўсмирнинг хаёлига сира ёмон фикр келмаган.

У омборхонадаги машиналарга сукланиб караб, тезроқ ўзининг ҳам шундай "тойчоги" бўлишини кўп бора орзу қилган. Аммо бунинг учун пул керак. У эса ҳали пул ишлаб топиш йўлини билмасди.

... Бир марта қилган жинояти учун қамоқда ўтириб чиқсан Аваз эса кўпдан бери машина эҳтиёт қисмлари ўғрилиги билан шуғулланиб келарди. Унинг автомашиналарни таъмирловчи устахонаси бор эди.

Аброр амакивачаси Авазнинг олдига тез-тез бориб учрашиб турарди. Бир куни у Авазнинг автомашина магнитофонини ечаётганини кўриб, "Ия, бу жуда осон экан-ку!" – деб юборди. Аваз искехозли кулиб:

– Велосипедингни ҳалим омборга қўяпсанми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Аброр.

– Үнда гап бор. Хоҳласан уяли телефон олиб бераман, машинали ҳам бўласан. Аммо бунинг учун бироз мард бўлишинг керак.

– Гап йўқ, ака! Мен ҳам йигит бўлиб қолдим. Йўли бўлса, айтаверинг.

– Аввало, қоровулдан омборнинг калитини олиб, ундан нусха

тайёрлатасан. Кейин тунда қоровул ухлаб ётган пайтда ишни бажарамиз. Келишдикми?

Бу тақлиф Аброрни қизиқтириб кўйди. Уяли телефони бўлса қандай яхши. Машинаку, ундан-да яхши. Аброр болаларга хос ҳовлини кетди...

Калит тайёр бўлгач, амакивачалар келишилгандек ярим тунда омборга девор ошиб тушишибди. Аброр ҳаяжонланганидан омборхона кулфини оча олмади. Уни Авазнинг ўзи очди. Шу куни улар омборхонадаги автомашиналардан 358 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни ечиб, чиқиб кетишибди. Ўғрилик туфайли мўмайгина даромадли бўлган Аваз Аброрга уяли телефон совфа қилди. Ваъда қилинган "Запорожец" машинасига ҳозирча пул етмаслигини айтиб, "ишлатиб тур" деб 50 минг сўм пул берди.

Аброр ўзида йўқ хурсанд эди. Ундан ҳеч ким гумон қилмади.

Аммо уяли телефонни олиб юришга чўчиди. Сабаби, уйидагилар уни суршишириб қўлишлари мумкин. Шунинг учун телефонни ўртоги Диљшодга фойдаланиб туриш учун бериб юборди. Даствлабки ўғриликдан ўн кун ўтгач, Аваз шеригини навбатдаги "ов"га таклиф қиласди.

Бу сафар улар "Фишткўприк" яқинидаги маҳаллага кириб, кўчаларни айланышди. Мақсад қаровсиз қолдирилган автомашинанинг эҳтиёт қисмларини ўмариси эди. Йўлакчада оқ рангли "Тико" турарди. Аваз сих ёрдамида унинг эшигини очди ва салондаги радио-приёмники ечиб олди. Аброр ҳам жим турмади – капотни очиб аккумулятор ва заҳира баллонни олди. Бу галги ўғриликда Аброр анча фаоллашганди. Хуллас, иковлон "Тико"дан 180 минг сўмлик

саларни Авазнинг устахонасига олиб бориб кўйишибди.

Бу ўғриликдан "илхомланиб" кетган Аброр энди ўз гурхини тузишга киришибди. Ёз қунларининг биринча у дўсти Элёрнинг ўйига бориб, уни ўғрилик қилишга ундан курд.

... Умид ота-онаси ухлаб қолганидан фойдаланиб, дадасига тегишилини бўлган ВАЗ-2101 рустумли автомашинани сездирмасдан кўчага олиб чиқди. Мақсади туни билан киракашлик қилиб пул топиш эди. Тунги соат иккиларда ўзи ёлғиз юришга чўчишибди, ўртоги Расулнинг олдига борди.

Иккевчин машинада кетишшетган пайтда йўл четида турган икки киши уларни тўхтатди. Йўловчилар Расулнинг танишлари – Аброр билан Элёр эди. Йўловчилар киракаш йигитларни ҳам ўғриликка таклиф қилишибди.



– Агар "ов" ўнгидан келса, автомагнитофонни менга берасизлар, – деди Расул.

Улар шаҳар айланиб, қаровсиз машиналарни кидиришибди. Соат икки яримларда Чархий кўчасида турган "Нексия"ни кўриб қолишибди. Аммо унинг ёнига боришганда электр сигнализацияни кўриб чўчишибди. Шундан сўнг, Темирийл шоҳбекати томон юришибди.

Йўлда Аброр ва Элёр тушиб қолишибди. Умид машина юкхонасидан омбир олиб берди.

Бир оздан кейин келиб, бизни олиб кетасизлар, – деди Аброр Умидга.

Аброр Элёр билан "Нексия"-нинг 565 минг сўмлик эҳтиёт қисмларини, ҳатто копотни ҳам ечиб олишибди. Ўғрилик буюмларни Умиднинг "Жигули" сига юлашди. Аммо ваъда қилинган автомагнитолани Расулга беришмади.

Орадан кўп ўтмай ҳамтвоқларнинг қилмишлари фош этилди. Бу жиноятни Қўқон шаҳар ИИБ тезкор вакиллари, милиция капитани Иномжон Сатторов ва милиция лейтенанти Азиз Қодировлар очиши.

Ўғрилик деб аталмиш сўқмоқнинг охри – жарлик. Унга кулаб, чилпарчин бўлишдан олдин бўсқмоқ олдида турганлар, ёнгинадан тўғрилик сўқмоғи ҳам ўтганлигига, унинг охри эса обрў-эътибор чўққиси эканлигига назар солсалар бўлди...

**Отабек АБДУ**

## Сиз кутган учрашув



**Бугунги сұхбатдошимиз ўзининг ижобий ва салбий образлари орқали мухлислар эътиборига тушган ёш, истеъдодли актёр, Ўзбек Миллий Академик драма театрининг артисти Фатхулла Маъсудов. У 1963 йил Тошкент шаҳрида туғилган. "Шуҳрат" медали совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.**

— Фатхулла ака, аввало, устозларингиз ҳақида гапирсангиз.

— Биринчи устозларим ота-онам бўлишган, десам янгишмайман. Раҳматли отам Ҳусанбой ака Маъсудов география фанлари номзоди, олим эдилар. Онам Муҳаррамой Маъсудова фармацевтика соҳасида хизмат қилганлар. Институтда эса Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист, ҳозирда мэрхум Турсунбоя Истроиловдан таълим олганман. Режиссер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мираббос Мирзажаев, Ўзбекистон халқ артистлари Ёкуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев ва Лутфулла Саъдуллаевларни ҳам устозларим деб биламан.

— Сизнинг-ча, хәётнинг мазмуни нимада?

— Берилган умрни эзгу, савобли ишларга сарфлаб, Ватанини севиб, халққа сидқидилдан хизмат қилишда. Яна, инсонларга кўлдан келганча кўмаклашиш ва касбни вижданан адо этиш. Фарзандларга тўғри таълимтарбия бериш, уларни ҳалол едириб, ҳалол ичириш, келажакда ота-онасига раҳмат келтирадиган йигитизлар қилиб камол топтириш ҳам муҳимдир.

— Қандай пайтларда ўзингизни баҳтиёр, хотиржам сезасиз?

— Кўнгли очиқ, мард, самимий инсонлар даврасида. Одатда мумомалага қараб жавоб қайтараман. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам камтар, самимийликни юқоририқ қўйишга ҳаракат қиламан.

— Тушкунликка тушиб қолсангиз вазиятдан қандай чиқиб кетасиз?

— Биласизми, бу ҳолат ҳаётда кўп учраши мумкин. Лекин инсон худи ботқоқликка ботиб қолгандай қўл-оғини ишлатолмайдиган ҳолатта тушиб қолиши керак эмас. Тушкунликдан ҳосил бўлган оғриқни

мумкин, деб ўйлади. Бу борадаги фикрингиз қандай?

— Биласизми, Европада агар эркак ва аёл бир-бирини севиб қолса, ҳатто оила, ўй-жой, бойлиқдан воз кечиб, бирга бўлишга интилишиади. Буни газета, журнallарда ўқиб, телевизорда кўриб, билиш мумкин. Лекин бундай йўл тутиш биз, ўзбекларга ярапшмайди. Ўзингиз ўйланг. Дейлик бир йигит қиз билан учрашиб туради. Лекин унга ўйланни нияти йўқ. Аммо муносабат шун-

урмайди, деб ким кафолат беради? Менинч, аслида фақаттана Аллоҳни чин юракдан севиш керак. Ённи эса яхши кўриш, ҳурмат қилиш, эъзозлаш лозим, деб ўйлайман.

— Оилангиз ҳақида ҳам тўхтассангиз.

— Раҳматли ота-онам жуда яхши инсон бўлишган. Оилада тўнгич фарзандман. Уч укам, жиянларим бор. Ўзимга келсак турмуш ўрготим, нокамтарлик бўлса ҳам айтаман, Лутфулла Саъдуллаевнинг қизлари саранжом-саришта, тушуна-

# ЭЛ НАЗАРИГА ТУШГАН АКТЁР

беписандлик билан ўтказиб юборган маъқул. Лекин ҳар доим ҳам бундай қилиб бўлмайди... Ўзимга келсан, тушкунликка тушганимда барибир Аллоҳга шукр қиламан. Чунки "бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди-ку", деган фикр ўтади хаёлимдан.

Ҳаётда разиллик, золимликни ўзига қурол қилиб олган порахўр, бировларнинг ҳақини ейишдан қўрқмайдиган, ҳаёсиз одамларга раҳмим келади. Дунё беш кунлик. Қўлдан келганча одамларга яхшилик қилиб, эзгу-савобли ишларга қўл уриб, Ватанини севиб-ардоқлаб, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, яқинлар, фарзандлар билан яшаш қанчалик улуг баҳт. Инсондан яхши ном қолиши эса чинакам саодат.

— Инсон чўққига интилади, лекин уни забт эттач, қайтиб тушиши қераклиги

ни ўйламайди, деган фикрга муносабатингиз?

— Ҳар битта давринг ўз якуни бор. Ҳар бир ёшликининг эса кексалиги. Инсон ҳаётда шундай камол топиши керакки, шон-шуҳрат, баҳт-омадга қанчалик эришса, шунчалик камтарин бўлиб, шукр қилиб, манманликка, кибрга берилмаслиги зарур. У қанчалик камтарин ва олижаноб бўлса, шон-шуҳрат унга шунчалик яращади. Раҳматли отам ва устозим Турсунбоя акаларнинг "Обрў-эътиборга, шон-шуҳратга интилма, ҳалол, пок, тўғри, мард, олижаноб бўлсанг, уларнинг ўзи сени қувиб етади", деган гаплари ҳеч қачон эсимдан чиқмайди.

— Севгини кимдир ёшлиқдаги ҳавас, кимдир инсонга бир умр ҳамроҳ деса, бошқа биров севгини бола-чақали бўлганингдан кейин ҳам учратишинг

чалар жиҳдийки, уларни салкам эр-хотин деб ўйлайсиз. Лекин пайти келганда йигит қизга ўйланмайди. Фариштали хонадонда яшаётган иболи, шаъни тойтамаган бир покиза қизга совчи қўяди, унга ўйланади. Турмушга чиқкан қиз эридан бошқани билмайди, фақат уни севади.

Бутун борлиги, севгиси, кўз очиб кўргани шу эри. Аммо эр учун-чи? Вақт ўтиб, кўчадаги севгисини топиб олади. Аммо у ҳам турмушга чиқкан, оиласи бор. "Севги"ни деб энди иккови оиласидан воз кечиши керакми? Ўз яқинлари қалбини жароҳатлашга нима ҳақлари бор. Худо сақласину, мен кимнидир "севиб қолиб", шундай йўл тутсам, унда муқаддас никоҳим нима бўлади? Бу қингир ишнинг касри ё фарзандга ёки бошқа бирон азиз инсон ёки нарсага

диган аёл, бир-бirimizни жуда ҳурмат қиламиш ва севамиз. Уч нафар фарзандимиз бор — Гулнозаҳон, Улугбек, Абдуллоҳ.

— Фарзандлар билан муносабатларингиз қандай? Демоқчиманки, кимдир боласини севишини ошкора кўрсатишга уринади, кимдир яширин...

— Фарзандларимни жуда яхши кўраман. Лекин талтайтирмасликка ҳаракат қиламан. Камроқ эркалайман. Мехр бериш керак, аммо талтайтириб юбормаслик лозим. Айниқса, ҳозирги пайтда яхши маънода бироз қаттиққўлроқ бўлган ҳам яхши. Лекин бу фарзандини уриш керак, дегани эмас. Чунки фарзанд — яратганинг улуг неъматларидан бири. Таълим-тарбияда уларга яқин дўст сифатида маслаҳат бериб, тўғри йўлга бошлаш керак. Фарзандни ҳамиша назорат қилиб, агар тушкунлик холатига тушиб қолса, келажакка нисбатан ишонч туйгуларини шакллантириб, катта ҳаётта қадам ташлаши учун тиргак бўлиб туриш ҳар бир ота-онанинг вазифаси, деб биламан. Агар менинг айрим гапларим кимгadir ҳавойироқ туолган бўлса, узр сўрайман. Лекин бу қатъий фикрларим.

— Сиз учун дунёдаги энг азиз нарса нима?

— Бу — Ватан. Қолаверса, тинчлик-осойишталик, иймон-эътиқод, меҳроқибат, самимият ва ҳалол меҳнат.

— Самимий сұхбатингиз учун ташаккур.

— Сог бўлинг. Ҳамиша яхши кунларда кўришайлик.

**Сұхбатдош: Гулжоҳон НУРИДДИНОВА.**



«Усмон Носир» спектаклидан лавҳа.

## САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

# КЎЗЛАР УЧУН ЙОГА МАШҚЛАРИ



Хатха-йога номли кўз учун машқлар асосан назарни турли хил нуқтага қаратиш ҳамда кўз соққаси ва қовоқларнинг беъзи ҳаракатларидан иборат. Кўзлар учун йога машқлари узоқ-яқинни яхши кўриш қобилиятини тиклашга хизмат қиласди. Муваффақиятга эришиш эса фақат сизнинг иродангиз ва меҳнатингизга боғлиқ.

Қариганда кўриш қобилиятини турли машқлар ёрдамида тиклашга ҳаракат қилиш бефойда деган фикр кенг тарқалган. Аслида ундан эмас. Албатта, ёшлидагига қараганда кўпроқ куч сарфлашга тўғри келади.

Йоглар кўзларимиз бутун организм фаолиятига ажратилган биоқувватнинг 50 фоизини сарфлайди, деб ҳисоблашади.

Шунинг учун ҳатто кўриш қобилиятини зўр бўлган йоглар ҳам Тратака (назарни йўналтириш)нинг турли вариантларини бажаришади. Дарвоқе, бу ёш ўтиши билан юз берадиган кўз хиралашишининг олдини олади.

Шуни эътиборда тутиш керакки, кўз фаолияти бошқа аъзолар, биринчи навбатда, асаб тизимининг

ахволи ва организмдаги модда алмашинувига боғлиқ. Шунинг учун кўз машқларини бажариш билан бир қаторда бутун организмнинг умумий ҳолатини соғлом сақлаш лозим.

Кўз машқларини кунига икки марта бажариш мақсадга мувофиқидир. Назарни буруннинг учига, қошлар ўртасига қаратишни, кўзларни турлича ҳаракатлантириш машқларини яхшиси эрталаб ёки кундуз куни бажарган маъқул. Шам алансига назарни қаратиш эса кечки пайт бажариладиган машқдир. Кўзларни ором олдириш ҳамда навбати билан бир қошлар ўртасига, бир уфқа назарни қаратиш машқини эса хоҳлаган пайт бажариш мумкин.

Кунига икки марта қилинадиган машқларга ҳар гал 10 дақиқадан сарфлаш кифоя. Агар вақтингиз кўп бўлса узоқроқ машқ қилишингиз фойдалирок.

Машқлар чоғида ўзингизни қаттиқ чарчатиб кўйишингиз ярамайди. Кўзларга дам бериш учун қилинадиган машқлардан сўнг ҳар қандай ишни бажариш мумкин. Аммо

бошқа машқлардан кейин камидан 20 дақиқа ўқиши, телевизор кўриш ва кўзни толиқтирадиган бошқа ишларни бажаришдан тийилиш лозим. Шундай қилиб, йогларнинг кўзни чиникитиришга мўлжалланган гимнастик машқларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

## КЎЗГА ОРОМ БЕРИШ

Хотиржам тик туринг, ўтириш ёки тепага қараб ётинг. Иложи борича кўзингиз ёрқин ёруғлик манбаларига тушмасин.

Кўзларингизни юмиб, қовоқларингизни бўш кўйинг. Кўзларни хаёлан иссиқ, юмшоқ бармоқлар билан силаш мумкин. Кўз соққасини кўз чаноғида мутлақо ҳаракатсиз ҳис қилинг.

Юзингиз ва танангизни ҳам бўш кўйинг. Бу сизга кўшимча ором бағишлияди, аммо бор дикқатингизни кўзга дам беришга қаратинг. Иссиқлик ва оғирлик ҳиссини енгиллик, вазнисизлик, кейинчалик эса умуман кўз борлигини ҳис қилмаслик ҳолати эгаллаши керак.

Бошқалари орасида бу машқ 20-40 сония бўли-

ши мумкин, алоҳида эса 3-5 дақиқани ташкил этади. Ором бериш машқини хоҳлаган пайтда бажариш мумкин.

## НИГОҲНИ ҚОШЛАР ЎРТАСИГА ҚАРАТИШ

Назарни қошлар оралиғига йўналтириш. Агар бунинг иложини қиломасангиз, бир кўзни юмиб, бошқаси билан қошлар ўртасига қаранг. Кейин эса бошқа кўзингиз билан шундай қилинг. Ниҳоят икки кўзингиз билан ўрта нуқтага қаранг.

Қошлар ўртасига зўр бермасдан, хотиржам қарап керак. Бошингизни тепага кўтармай тик туринг. Аввалига назарни қошлар ўртасида бир неча сониядан ортиқ ушлаб туриш қийин бўлади.

Бундай ҳолда машқни бир неча бор тақрорлаш керак. Бажариш вақтини астасекин бир неча дақиқага ошириш лозим. Энди кўзларга ором беринг.

**САМАРА.** Кўзни умумий чиникитиришдан ташқари, ушбу машқ бошқаларига қараганда анча кўпроқ фикрни, дикқатни тўплаш кўнукмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

## КЎЗЛАРНИ УҚАЛАШ

Стулга тўғри ўтириб, тирсакларни столга тиранг. Уларни столдан кўтартмаган ҳолда кафтлар қирраси ҳамда жимжилоқларни бирлаштириш ва кафтлар юмуқ кўзларни ёпиши учун бошни эгинг. Пешонангиз эса кафтигининг тела қисми ва бармоқларингизга тегиб турсин.

Бўйин мушакларини бўш кўйинг. Фақат пешона таянч вазифани ўташи керак. Кафтлар эса кўзларга тегиб туради.

Кўзларингизни кафтлар билан секин уқаланг. Босиш, айлантириш, силаш ва тебратиш ҳаракатларини навбатмавнабат бажариб туринг. Бу машқларни 1 дақиқадан 3 дақиқагача бажаринг. Агар кўзингизда иссиқлик сезилса, бу яхши аломатдир.

Кўзларингизни бўш кўйинг. Агар қўлингиздан келса, уларга кўрсаткич бармоқлар учини теккизинг, ундан иссиқлик кўзингизга ўтаётганини ҳис этинг.

**САМАРАСИ.** Кўзларни уқалаш уларда қон айланшини яхшилайди, асаб толалари ва ҷарчаган кўзларингизга ором бахш этади.

## ХАЛОСКОР ИССИҚЛИК



Тиш оғриғидан ёмон дард йўқ бўлса керак. Бундан бошқасига чидаш мумкин, лекин тиш оғриғига бирор иш қилиш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлолмайсан ҳам. Энг яхшиси, шифокорга бориб касал тишни олдириб ташлаш ёки даволатиш керак. Иссиқ сув ҳам ҳақиқий халоскордир. уни истаган пайтда топиш мумкин. Бундай даволанишнинг асоси-асаб толаларини иситиб, тинчлантириш эканлигини унутманг. Бунинг учун эса кўлларни тирсакка ва оёқларни тиззагача иситиш керак. Бунинг учун ваннада курсига ўтириб, оёқларни ва кўлларни бир вактнинг ўзида кранга тутган кулай. Сув жуда илиқ, иссиқка яхин бўлиши, аммо баданин куйдирмаслиги керак. Шу зайлда 20-30 дақиқа ўтириш лозим. Даствлабки сониялардан оғриқ босилаётганини сезасиз. Аммо кўл-оёқларни асаб охиригача тинчланиши учун ярим соат иссиқ сувда тутиб турish керак.

Бундай ваннадан кейин яқиндагина оромингизни бузиб, бутун аъзои баданингизни қақшатган оғриқни бошдан кечирганингизга ўзингиз ҳам ишонмай қоласиз.

## КЎЛЛАРИНГИЗГА ОРОМ БЕРИНГ

Аёлларнинг қўли уларнинг ёшини айтиб туради, дейишади. Вақт ўтиши билан қўлимиз ҳам қарий бошлайди: терисига ажин тушиб, дағаллашади, бармоқлар шишади, тирноқлар эса сина бошлайди. Бунинг олдини олишнинг жуда оддий йўли бор. Кўлларга ҳар куни вақти-вақти билан ором бешик керак: кунига 2-3 марта бир неча сонияга дам бериш учун тепага кўта-

риш лозим. Кўлнинг териси юмшоқ ва нозик бўлиши, тирноқлар синмаслиги учун эса уни иссиқ намакобга солиб, бир неча сония ушлаб турish керак. Кейин эса совуқ сув билан ювиб ташлаб, куришиб, глицерин ёки крем суртилади.

Бундай муолажалардан сўнг мўъжиза рўй бериб, кўлларингиз қайта ёшаради.

## ОЁҚЛАР ТЕРЛАМАСИН ДЕСАНГИЗ


Баъзи одамларда оёқ терлашидек ёқимсиз ҳолат учрайди. Бу ҳол асосан эркакларни безовта қиласди, аёл киши дуч келганда эса, унинг ҳаёти даҳшатга айланади. Бундай аёллар бирор жойга мемонга боришига ҳам уялишади, ахир, у ерда поиафзални ечишига тўғри келади-да. Бундай ҳолларда оёқни беш марта ювиш-у, шунча марта пайпок алмаштириш ҳам ёрдам бермайди.

Сизга бу дардга даво бўлувчи ажойиб тавсияни таклиф этамиз. Даствлаб оёқни илиқ сувда совунлаб ювасиз, кейин совуқ сув билан чайиб ташлайсиз. Сўнгра сули, арпа ёки буғдой похолини бармоқларингиз орасига сават тўқигандек ўрашингиз керак. Устидан эса зигир толасидан тўқилган пайпок кийиб олинг. Бундай муолажани бир неча марта тақрорласангиз оёқ терлашидан кутилишингизга ёрдам беради. Шунда мәҳмонга борищдан ҳам қўрқмайсиз.

## ТУХУМДАН ДОРИ-ДАРМОН

Баъзи кишиларни невралгик оғриқлар безовта қиласди. Касаллик хуруж қилганда эса одам азобдан ўзини қўярга жой тополмай қолади. Аммо бунинг давоси бор.

Ҳамма сир тухумда. Хуруж вақтида уни бутунлигина қайнатиб, кейин иккига бўлиб, иккала бўллаги ҳам энг кучли оғриқ сезилаётган жойга қўйиш керак. Тухум совигунча ушлаб турилади, шунда оғриқ йўқолади. Бундай ўта оддий ва самарали усул дорилардан кучлироқ таъсир қиласди.



## Турмуш чорраҳаларида

— Опа, мени танимадингизми?

Каршимида кулимсираб турган нозиккина жувоннинг ўсма-сурмадан йироқ қош-кўзларига, хиёл ажин тушиб, сўлий бошлаган юзига қанчалик разм солмай, кимлиги ни эслай олмадим.

— Шунчалик ўзгарибманни? Сиз эса ўша-ўшасиз. Бир кўргандга танидим. Эсингиздами, сиз билан бир корхонада ишлагандик. Исимм Камола...

Унинг кимлиги ёдимга тушди. Кучоклашиб кўришдик. Одамлар кўзидан нарирокка, ям-яшил майсанор томонга ўтиб, бир четдаги ўринникка ўтиридик. Одатдаги хол-аҳвол сўрашлардан кейин бир йилча олдин уйимга кўнғироқ қилинини эслатдим.

— Ўшанда сиз билан кўришишим керак, дедим-у яна истиҳола қилдим, — Камола синиқ кулимсиради. — Очифи, ташвиши билан дилингизни хира қилгим келмади...

Камола ишхонамизнинг олди қизи эди. Ибо билан ерга қараб туриши, майнин овозда гапириши, такимига тушадиган соchlарини чиройли турмаклаб, ийманибигина юриши билан кўп йигитларнинг ақлни ўғирлаганди. Ишхонамиз маҳаллага яқин жода бўлгани боис у ердан тез-тез аёллар чикиб, "сочи узун киз" ни сўраб-суршишишар, Камола бундай пайтларда дарҳол ишхонасига кириб, эшикни беркитиб

кин Умид акам мендан бор гапни сўраб-суршишириб билгач:

— Яхшиям ажрашган экансизлар. Бўлмаса, менга сенек ажойиб қиз қаерда эди, — дея ҳазилга олиб, бу ҳақда қайта оғиз очмадилар. Аксинча, бундай гап-сўзлар кўпаймаслиги учун тўйни тезлатишига аҳд қилдилар.

Удум бўйича уйимизга совчи келиб, расм-руслар үтказилди. Тўй куни белгиланди. Бироқ висол оқшомига бир ҳафтача

— Вой, Худога шукур-а. Шу нахсадан кутиласидиган кун ҳам бор экан. Кўчиб кет. Лекин бошинг деворга "так" этиб текканда, кечирим сўраб келсанг, кечирмайман. У дунё, бу дунё сендан рози эмасман! — деб роса бобилладилар.

Ижарада яшаб, фарзанд кўрдик. Ўғилли бўлдик. Умид акам бу хушхабардан кўнғли юмшар деган хаёлда оналирининг ёнига борибдилар. "Кутлуғ бўйлсин!" дейиш ўрнига "Боланг кимга ўхшайди?" дебди қайнонам тагдор қилиб. Умид акам уйдан чиқиб кетаётгандариди "Синглингни узатмоқчиман. Мебелини сен олиб берасан" деган шартни қўйиби.

Шу зайлда саккиз йил турмуш куриб, икки ўғиллик бўлдик. Эр хотин биримиз давлат ишида, иккичимиз уйда ўтириб ишлаб, ижара ҳақи, ейиш-ичиш, кийим-кечакдан орттириб, қайнонамнинг кўлларига айтган пулларни бериб турдик. Шу боисданни, орттириб, битта уй олишининг иложини қиломай, бир неча

икки фарзандимизни ўртага қўйиб, "қайта чекмайман" деб қасам иди. Қаёқда дейсиз, хумори тутганда, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолади. Қайнонамнинг остонасига бош уриб бордим.

— Майли, нима дессангиз розиман. Ажрашасан дессангиз, ажрашаман. Фақат ўғлингизни гиёҳвандлик балосидан кутқаришига ёрдам беринг. Уни бу йўлдан қайтарайлик,— дедим.

— Ҳа, боламни ботқоқча ботириб, банди қилиб, ўзинг айшингни сурни юрибсанми? Уни мана шу уйдан сен олиб чиқиб кетдинг. Оғизга ичилик олмаган боламни ароқка, нашага сен ўргатдинг, энди ўзинг бу йўлдан қайтарасан, — деб уйдан ҳайдаб чиқарди. Тоғасига айтгандим, "энди, келин, ўзларинг пиширган ош, ўзларинг еяверасизлар" деб қўя қолди. Севган умр йўлдошим, фарзандларимнинг отаси тобора тубанлашиб бораётганини кўра-била уни кутқаришига ёлгизлик, ожизлик қилдим. Ҳатто, маҳалламиз оқсоқоли, фаоллари, профилактика инспектори ҳам

ёрдам" га кўнғироқ қилдик. Шифокорлар эрим билагига "дори"-дан кўпроқ юбориб, вафот этганини айтиши...

Эрим тириклигига бирор марта йўқламаган, мени уйдан ҳайдаб юборган қайнонам бошчилигидаги уруғ-аймоқлари "ҳаммасига мана шу айбдор" деб мени ёмонотлиқча чиқарип, гапирмаган гаплари қолмади. Уларнинг маъракаларда айтиб-айтиб йиғлашларини кўрган ҳар қандай одам: "Бечоралар арслондек яқинларидан айрилиб, фарёд чекишияти" дейишлари мумкин. Лекин бу қиликлари мени нафралантириди. Агар мана шу меҳрибонликлари, маъракалардаги сарф-харажатларнинг юздан бирини эрим тириклигига унга қилгандариди, у гиёҳвандликка берилиб кетмаган, болаларим етим қолмаган бўларди.

Умр — оқар дарё, деганлари рост экан. Бирин-кетин ота-онам оламдан ўтиши. Уларнинг уйида, чироқларини ёқиб ўтириб, ишладим. Кенжек укамни ука-сингилларим билан бирга уйлан-

# КЕЧИКИБ СЎРАЛГАН УЗР

оларди. Сабаби, кўнғил қўйиб, аҳд-паймон қилган Қаҳрамон исмли севгилиси бўлиб, унга кўшилиб, биз ҳам йигит қачон совчи юборишини сабрсизлик билан кутардик.

Аммо кейинги пайтда Камола одамови бўлиб, ранги бир ахволда эканлиги ўтиборимизни торти. Охири бунинг сабабини сўрашга жазм қилдик.

— Қаҳрамон акам ўн кунга хизмат сафарига кетгандилар, — одатига кўра ерга қараб жавоб берди Камола. — Мана, йигирма кундан ошса ҳамки, дараклари йўқ.

— Ўйига кўнғироқ қилиб, билмаймизми? — гапга аралашди шаддодгина Дилдора. — Балки бирор гап бўлгандир?

— Қизикмисан-а? — Камола дугонасига таънили қаради. — Қиз бола бошим билан унинг уйига қандай кўнғироқ қиламан? Нима деб ўйлади?

Орадан уч кун ўтгач, бу мавхумликтан кўнғли бир нохушликин сезган Камола Дилдоранинг тақлифига рози бўлди. Қаҳрамон ҳеч қаерга кетмасдан ишлаб юргани, "хизмат сафари" бечрагина Камоладан кутлишнинг чораси эканлигини билдик.

— Ўшанда қанчалик азоб чекмай, сизлар туфайли қалбимда симиллаб турган оғриқ унчалик сезилмаган, далдаларингиз билан қайта оёққа тургандим, — деди Камола маъюс. — Вақт ўтиши билан ишхонадаги кўпчилик ходимлар ҳар томонга тарқалиб, янги ходимлар кела бошлади.

Улар орасида мендан 5-6 ёш каттароқ ҳисобчи йигит — Умид ака ҳам бор эди. Ҳали юрагидаги Қаҳрамон қолдирган жароҳат излари битмай туриб, у менга севги изҳор қилди. Аламзада эмасманни, унинг севгисини рад этмади.

Машайхлар "Энг яхши дори-вақт" деб тўғри айтишган экан. Вақт ўтиши билан Қаҳрамонга нисбатан илик туйғулар ўрнини нафрат, фазаб эгаллади. Ишхонамда эса Умид акамнинг ширин сўзлари ва суюшлари мадад берарди.

Шу тариқа орадан ярим йил ўтиши, ҳамма бизни "Лайли ва Мажнун" деб атай бошлашди. Кимдир ҳавас қилди, кимдир ҳасад. Умид акамга Қаҳрамон билан муносабатимизни қўшиб-чабиб етказганлар ҳам бўлди. Ле-

қолганида кимдир Умид акамнинг онасига (отаси қазо қилиб кетган экан) кўнғироқ қилиб, мен ва Қаҳрамон ҳақида бўлмағур гапларни гапирибди.

Хамма кўнғисизликлар ана шундан кейин бошланди.

Қайнона бўлмиш аввалига тўйни тўхтатишга хўп уриндилар. Бироқ Умид акам "агар тўй тўхтатилса қайтиб мени бу хонадонда ҳам, ёруғ оламда ҳам кўрмайсиз" деб туриб олдилар. Шундан кейин тўйимиз ўртамиёна бўлиб ўтди. Минг айланиб-ўргилиб, сочим супурги, қўлим косов бўлиб

хизмат қилмай, қайнонамнинг кўнғилларини ололмадим. Яхши гап қайди, аксинча, кўни-кўшиларга "боламнинг бошини айлантириб, тегиб олди. Тирик эканман, уни бу сарқидан ажратиб, онаси ўпмаганидан олиб бермадан" деганлариниянг кўп ўшитдим. Лекин ўзимни босиб, ҳеч нарса ўшитмагандек "ойижон"лаб юраревдим. Аммо бир куни овқат килаётганимда "харом кўлларингиз билан капирни ушламанг" деган гапи жон-жонимдан ўтиб кетди. Шу кечга юм-юм йиглаб, эримга бўлаётган гап-сўзларни айтишига мажбур бўлдим. Деярли тонггача эр-хотин ҳасратлашдик. Умид акам менга: "огир бўл, ютасан. Ойимнинг фельлари шунақа, торроқ деганман-ку? Ҳадеб, эзилаверма, набириали бўлсалар инсофга кириб қоладилар" деб юпатдилар. Эрталаб ишга кетаётгандариди эса оналари билан меҳмонхонага кириб, узоқ гаплашишиди.

— Э, шалвирамай ўл! — бир пайт қайнона бакириб юбордилар, — "Фарзанд кўрасиз, набириали бўласиз" деб ўзингча бўйинг етти қарич ўсиб, кувониб юрибсанми? Қаердан биласан, у мегажин болани кимдан орттирганини?

Умид акам ғалати овозда "ойи!" деб бақириб юбордилар. Кейин столни қарсиллатиб урганларича менга ҳам қарамай, шитоб билан чиқиб кетдилар. Мен эса қайнонамнинг қарғишларини ўшитмаслик учун ҳаммомга кириб, йиглай-йиглай, кирюва бошладим.

Пешинга яқин уйга Умид акам кириб келди. У саломимга алих ҳам олмасдан:

— Нарсаларни йигиштир, кўчамиз, — деди. Унинг бу гапни ўшитган қайнона:

марта ижара уйимизни алмаштириб. Кекса ота-онам, ука-сингилларимдан ҳам наф йўқ, аксинча, байзан улар биздан ёрдам сўрашади. Қайнонам эса ҳамон тўйини тескари кийган, ҳатто қўйиб қўйгандек отасига ўхшайдиган набиралари ҳам унинг тош кўнглини эрита олмайди. Аксинча, бир гал дадаси билан боргани кичик ўғлим қўлидаги пиёлани тушириб, синдириб қўяса:

— Ҳа, жувонмарг, сен ҳаромиларнинг қўлидидан зарардан бошқа нима ҳам келарди? — деб қарғабди.

Ўша куни эрим уйга фирт масти бўлиб келди. Тилига келган гаплар билан мени ҳақоратлади. Биламан, дунёга келтириб, улғайтирган онадек мўтабар зот билан аразлашиб юриш, ундан муттасил заҳар-закқум гапларни ўшитиш жуда оғир.

Мен узок мулоди, — дедим-у балога қолдим. Эрим кунда-кунора уйга масти ҳолда келади. Ялиниб-ёлворишлирим, илтижоларим кор қилмайди. Мени, болаларни шафқатсизларча урадиган қилиқ чиқарган. Кайфи тарқалгач эса ҳеч нарса бўлмагандек, гаплашаверади.

Эрим ароқ ичишдан наша чекишига ўтганини сезган куним оёқларига бош уриб, бу йўлдан қайтишини сўраб, ялиниб-ёлвордим. Охири "Бундан кейин бу балои-азимни қўлимга олмайман" деб онт иди. Бироқ эртасига яна чекиб келди. Бу гапни

уни оғу чангалидан чиқара олмадилар. Аллақачон ишдан ҳайдалиб, қаердаги қаланги-қасандилар билан кўча-кўйда сандироклаб юрадиган шу одам қачонлардир онасининг қаршилигига қарамай менга уйланиб, ҳақоратлардан асрар учун ижара олиб чиқиб кетган ўжар, чўртке-сар йигит — болаларимнинг адаси эканлигига ишонгим келмасди.

— Ҳа, жувонмарг, сен ҳаромиларнинг қўлидидан зарардан бошқа нима ҳам келарди? — деб қарғабди.

Ана шундай дўзах азобини тортиб, бозорда ул-бул сотиб, нон пули топиб ўрган



қунларимнинг

бирида уйга кел

сам, болаларим ҳов

лида ўтиришибди.

"Адам

уїда ухляятилар, секинроқ гапи-

ринг", деди катта ўғлим. Дарров

қозонга овқат солиб, ўйни йиги-

тиридим. Овқат пишгач, "кел эрим

ни ўйғотай. Заҳри қотилни оч

коринга, укол қилиб, тарашадек

қотиб ётавермасин" деб ўйладим.

Ўйга кириб "Адаси, туринг, овқ-

атланиб олинг", деб елкасига

қўлимни кўйсам, ел

## Фаолиятимиз баҳоси

## АНКЕТА САВОЛЛАРИ

1. "Постда" газетасини неча йилдан бери мутолаа қиласиз? Ушбу нашр билан олар қандай вазиятда танишгансиз?

2. Газетани қандай йўл билан оласиз: обуна бўла-сизми, сотиб оласизми ёки танишлардан олиб ўқий-сизми?

3. Сизнингча "Постда" газетаси бошқа нашрлардан қайси томонлари билан фарқланади?

4. Кейинги бир-икки йил ичидага газетада муайян ўзгаришлар сезилдими?

5. Газетада ёритилаётган мақолаларнинг қайси туркумини мунтазам мутолаа қилиб борасиз?

- публицистика;

- ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, хабарлар, янгиликлар, ташаббуслар;

- ички ишлар ходимларининг фаолияти ва ўкуви ҳақидати мақолалар;

- "Учинчи олам", "Ниҳол" саҳифаларида ёритилаётган бадиий адабиёт намуналари, кроссвордлар, ўзига хос воқеалар;

- хориж билан боғлиқ мақолалар;

- Ҳамдўстлик давлатлари ва чет эл мамлакатлари ҳуқуқ-тартибот посбонлари тўғрисидаги материаллар;

- маданий ҳаёт ва ижтимоий муаммолар;

- жисмоний тарбия ва спорт.

6. "Постда" газетаси сиз хизмат қилаётган бўлин-мада муҳокама қилинадими? Умуман, газета доира-сида қандай ишлар амалга оширилади?

7. Сизнинг назарингизда газета ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислоҳотларни қай да-ражада ёритиб бораётди?

8. Эслаб кўринг-чи, сизга кейинги пайтда газетада ёритилган қайси мақола кўпроқ матькул бўлди ва аксинча улардан қайеи бири ёқмади?

9. "Постда" газетасига бирор масала юзасидан ёки мақола ёзиб мурожаат қилганимисиз?

10. Газетамизнинг ранг-бараган ва ўқимишли чи-киши учун яна қандай мавзуларга мурожаат қили-шишимизни лозим деб ўйлайсиз?

## МУШТАРИЙЛАРИМИЗНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. "Постда" газетасини у "қайта туғилган" пайт, яъни 1992 йилдан мутолаа қила бошлаганинан.

2. Ишхонада газета яна нашр этилаётгани ҳақидаги хабарни эшитганим ҳамон обуна бўлдим. Шундан бўён унинг содик ўқувчисиман.

3. Унда доимий равишда ички ишлар ходимларининг фаолияти, ИИБ тизимида янгиликлар, шунингдек, "Жиноятга жазо муқаррар", "Хар кимки жафо қилса...", "Турмуш сўёмоқларида" каби руқнлар остида, "Учинчи олам" саҳифасида ранг-бараган мақолалар берилиши, асосийси, улар ҳаётйлиги билан фарқланади.

4. Кейинги бир-икки йил ичидага газетада сези-ларли ўзгаришлар рўй берди. Танқидий, таҳлилий мақолалар ўрин ола бошлаганлиги, янги муаллифлар пайдо бўлгани шулар жумласиданди.

5. Ҳамма материалларни муфассал ўқиб чиқа-ман.

6. Ички ишлар идораларида ислоҳотлар, Маърифат дарси, "Мулоҳаза", "Турмуш чорраҳаларида" каби руқнлар остида бериладиган мақолалар кўпинча ҳамкасларимиз орасида қизиқиб ўқилади, ҳар ким ўз фикрини билдиради. Шунингдек, оиласизмида ҳам айрим мақолалар устида баҳс-мунозарадар бўлади.

7. Менимча, ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ундан кўзланган мақсад, моҳият ва бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича очиб бериладигани йўк.

8. "Постда"да чоп этилган мақолаларнинг деярли ҳаммаси ёқади.

9. Шу пайтгача бирор масалада мурожаат қил-маганман.

10. Газета янада ўқимишли чиқиши учун жиноят-қидирав, тергов, профилактика, экспер-крими-налистика, кинология ва бошқа хизматларда амалга оширилаётган ишлар, жазони ижро этиш муасасаларидаги таълим-тарбия ишлари ҳақида таҳлилий мақолалар уюштириб бориш мақсадга муво-фиқ деб ўйлайман.


**Маҳматқобил ҚАЮМОВ,**  
Қарши шаҳар ИИБ Терғов бўлум бошлигининг ўринбосари,  
милиция майори.

## АЙЛАНМА КРОССВОРД

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:

1. Халқ қаҳрамонлари ҳақидаги йирик назмий асар.
2. Австриядаги қишики олимпия ўйинлари бўлиб ўтган шаҳар.
3. Жаҳондаги энг йирик бадиий музейлардан бири жойлашган шаҳар.
4. Сувоқчилик асбоби.
5. Серсув сабзавот экини.
6. Тоғликларда яшовчи йиртқич.
7. Намуна, маҳсулот ишлаб чиқариш қолипи.
8. Нектархўр ҳашорат.
9. Саноат ва турмушда фойдаланиладиган куроллар мажмуми.
10. Узум тупини парваришловчи боғбон.
11. Назмий асарнинг жумбокли тури.
12. Назмий асарлар мухлислари анжумани.
13. Саъдий Шерозий асари.
14. Марказий Осиёдаги тинчлик, дўстлик шахри.
15. Транспорт воситасининг маълум, белгиланган қатнов йўли.
16. Тропик ва субтропик минтақаларда ўсуви ўсимлик.

К. ОРИПОВА тузди.



## ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 4. Том. 9. Галина. 10. Икарус. 11. Фалокат. 12. Вилоят. 13. Азамат. 14. Алимент. 15. Айборд. 18. Арамис. 21. Каратэ. 22. Ананас. 24. Монарх. 25. Оломон. 26. Шайтон. 32. Фонтан. 35. Америка. 36. Доллар. 37. Рейган. 38. Инсульт. 39. Лизинг. 40. Утопия. 41. Кит.

БЎЙИГА: 1. Табиий. 2. Милорд. 3. Дафтар. 4. Тўлқин. 5. Миксер. 6. Цитата. 7. Панама. 8. Цунами. 16. Беруний. 17. Онтарио. 19. Роналдо. 20. Миномет. 21. Кам. 23. Сон. 27. Аноним. 28. Таллин. 29. Нариги. 30. Бейсик. 31. Миллат. 32. Фартук. 33. Нейрон. 34. Алания.

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI IV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir  
o'rinnbosari  
Erkin  
SATTOROV  
Mas'ul kotib  
Rahmatilla  
BERDIYEV

Navbatchi  
Qobiljon  
SHOKIROV  
Sahifalovchi  
Zokir  
BOLTAYEV

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinnbosari 54-37-91.  
Kotibiyat 139-73-88.  
Muxbirlar 59-27-15.  
139-77-23.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA  
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN  
Buyurtma J-000477.

- Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
- Qo'lyozmalar tahlil qillinmaydi va qaytarilmaydi.

Hajmi — 6 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqt — 21.00.  
Bosishga topshirildi — 21.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.

Korxona manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

(N) — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.

## БИР КУНИ...

## БАРИБИР ҚЎЛГА ТУШДИ

Беш-олти хонадондан мол, от ўғирлаб сотиб юборган Самат исмли йигитни қўлга олиш жуда қийин кечди. Гоҳ у туманда, гоҳ, бу туманда пайдо бўлиб қолар ва албатта кимнидир қақшатиб кетарди. Изини кўрсатмай юрганида Сирдарё вилоятининг Ховос туманида эканлигидан хабар топдик. Сирдарёлик ҳамкаслар ёрдамида Саматнинг қайси хонадонда эканлигини аниқ билиб, пишрма қўйдик. Атрофи баланд девор билан ўралган, тўлиқ битмаган уй экан. Ичкарини кузатиш учун томорқа томондаги дараҳтга чиқдим. Ҳовлидаги сўрида иккни киши ўтириби. Бошқа ҳеч ким кўринмади. Кеч тушганда дарвоза очилиб, бир эркак киши чиқиб кетди. уни уйдан анча узоқлашганда тўхтатиб суриштирсан, хонадон билан ўзгаришидан ўтириб кетди. Саматнинг ким эканлигини айтдим. Самат унинг уйда мардкорчилик қилаётгани маълум бўлди. Уйда Саматдан бошқа ҳеч ким қолмаганини айтди. Кейин бизга қайси томондан тушиш осонлигини тушуниди.

— У доим ҳовлидаги сўрида ухлади, — деди қўшимча қилиб.

Хуфтон бўлишини кутдик. Ниҳоят, девордан ошиб, тезда сўрини қуршовга олиб, ўринда ётган Саматни ўйғотиш учун кўрпани очдим. Не кўз билан кўрайки ўринда бир қоп сомон ётарди. Шу пайт тараққалаган овоз эштилиб қолди. Самат томбўйлаб қочиб бораради. Атрофда бошқа бино бўлмагани учун ерга тушишга мажбур бўлди. уни кўча тарафда шериларимиз кутиб олишди.

**Пайзимурод ЭШМУРОДОВ,**  
Жиззах тумни ИИБ ЖҚ ва УЖҚБ бошлиги,  
милиция капитани.

## ЭЪЛОН

## ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва согломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундаклик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкингизни жиной тажовузлардан ким ҳимоя қиласи?

Бундай хизматни шахримиздаги Марказлаштирилган кўриқлаш пультлари бажаради. Ушбу пультлар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан энг арzon кўриқчиидир.

Хонадонингиз ва мулкингиз дахлсизлигини истай-сизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги кўриқлаш бошқармаси ва туман кўриқлаш бўлиmlарига мурожаат қилинг!

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-37-83, 134-01-69, 133-01-44

## ... ВА НИҲОЯТ

## ЎЗИНГГА ШУКР!

Мен такси ҳайдайман. Бир куни буюртма билан чақирилган манзилга бир оз вақтлироқ бориб қолдим. Шоҳлари тарвақайлаб кетган чинор тагига машинани қўйганча газета ўқишга тушдим. Шу чоқ енгил шамол кўтарилиб, чинор мевалари ерга тутдай тўқилди. Машина томи худди барабан чалгандек тақиrlарди. Шунда "шукрк, машинам бор", деб ўйладим. Шу тарзда хаёл сурини турган чоғим, чинорнинг бир меваси тан этиб ерга тушди-ю, қайтиб сакраганича очиқ ойнадан учиди шундоқ чаккамга урилди. Зарб унчалик қаттиқ бўлмаса-га, чаккам яхшигина ачишиди. Шу заҳоти хато қилганигимни тушуниб, айбимни ювиш учун пичирладим: "Ўзингга шукр!"

## КЕЙИНГИ СОНДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР!